

Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими Вазирлиги

Муқимий номли Қўқон Давлат Педагогика Институтини

“Тасдиқлайман”
Муқимий номидаги
ҚДПИ ректори
М. Мақсудов

06.09.2007 йил

“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” фанидан ишчи ДАСТУР

Билим соҳаси:	100000- таълим
Таълим соҳаси:	140 000- ўқитувчилар тайёрлаш ва педагогика фаолияти Барча бакалаврият йўналишлари

Тузувчилар:

ф.ф.н. М. Аминова
катта ўқт. М. Салимов

Кафедра мудири:

М. Аминова

Дастур 2007 йил 6 сентябр Қўқон давлат педагогика институтининг
уқув-услубий кенгашда (1-сонли қарор) кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

Фаннинг номи:	<u>Маънавият асослари</u>
Факультет:	Бакалавр йўналишларида
Кафедра:	Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари
Курснинг хажми:	8 соат маъруза, 8 соат амалий машғулот, 14 соат мустақил иш
Асосий аудитория:	бакалавриат (III - семестр)
Ўқитиш шакли:	маърузалар, семинар, ўқув баҳс-мунозара, тест карточкалари билан ишлаш, дебат, химоя - оппонент
Ўқув методи:	“ажурли арра”, “моддули таълим”, “блок схема”, “танқидий фикр”
Ўқув натижалари устидан назорат:	талабалар томонидан ахборотларни қайта ишланишини, ижодий фикрлашини вужудга келтирувчи реферат мавзулари бериш

1.1. Фаннинг мақсад ва вазифалари.

Маънавият инсон руҳий камолотининг муҳим мезонларидан бирини ташкил қилади. У миллат абадийлигини ва мамлакат тараққиётини таъминлашдаги устивор омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг “юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади” –деб таъкидланганлиги бежиз эмас. Маънавиятнинг ана шу муҳим роли ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, миллий – маънавий тикланиш, ёшларни юксак маънавият соҳиби ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш мақсадида “Маънавият асослари” фани ёш фан сифатида ижтимоий – гуманитар фанлар тизимига кириб келди. Бу фаннинг мақсади – имон –эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш ва жамият маънавий салоҳиятини ривожлантиришдир.

Талабаларимизга халқимизнинг бой маънавий меросини умуминсоний маънавий бойликлар билан уйғун ҳолда ўрганиш орқали уларда ижобий маънавий – маърифий сифатларни шакллантириш “Маънавият асослари” фанининг асосий ва муҳим вазифасидир.

1.2. Талабалар билимига қўйилган талаблар.

Бакалавр “Маънавият асослари” курси бўйича инсоният ва жамиятлар ривожига миллий ва умумбашарий маънавий мерос ва бойликларнинг юқори аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

-маънавиятнинг предмети, тушунчалари, таркибий қисмлари, маънавиятнинг иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ ва ҳокимиятдаги ўрнини;

-маънавият ва унинг жамият тараққиётида тутган ўрни, миллий – маънавий тикланиш, унинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва миллий тараққиётдаги аҳамияти;

-маънавиятдаги миллий ва умуминсоний жиҳатлари, маънавиятнинг тарихий, илмий – назарий ва амадий заминлари, инсон маънавияти шаклланганлигининг асосий мезонларини билиш керак.

1.3. Фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси.

“Маънавият асослари” курси энг аввало ўқув режасидаги гуманитар ва ижтимоий – иқтисодий фанлар билан узвий алоқада. “Маънавият асослари” янги ўқув курси сифатида ўз мақсади, вазифалари, объекти, услубияти, услуби воситаларига суяниб иш кўриш билан бирга Ўзбекистон тарихи, фалсафа, этика, эстетика, диншунолик, маданиятшунослик, педагогика, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар каби фанлар ва курслар билан чамбарчас боғлиқ.

КИРИШ

Президентимиз И. А. Каримов томонидан жамиятимизни янгилаш мақсадида ишлаб чиқилган беш тамойил ҳаётга собитқадамлик билан татбиқ этилаётган ҳозирги пайтда маънавий- маърифий ишларни амалга ошириш, миллий истиқлол ғояларини ҳар бир киши онгига сингдириш ва пировард натижада маънавий баркамол комил инсонни, эркин шахсни тарбиялаш давалатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда. Бу ғоя тўлалигича барча, шу жумладан олий таълим тизимида ҳам таауқлидир.

Жамиятимизда таълим-тарбия тизимини соғлом инсонпарварлик йўналишида қайта ташкил этиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, баркамол, маънавий дунёси бой, ахлокий пок, комил инсонларни тарбиялаш кечиктириб бўлмайдиган, давлат аҳамиятига, миллат келажагига молик вазифа бўлиб турибди. "Маънавият асослари" курсини олий таълим тизимида ўқитилиши ҳам ана шу муҳим вазифани амалга оширилишига хизмат қилмоғи лозим.

ЛЕКЦИЯЛАР, МАНҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1. Маънавият асослари фанининг предмети, тушунчалари уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусиятлари

“Маънавият” тушунчасининг моҳияти. Маънавият ҳар бир инсоннинг ички руҳиятининг ижобий қирралари, ақл заковати, унинг ўз-ўзини англаши, аниқ мақсадлар сари фаоллик кўрсатиш салоҳияти эканлиги.

Маънавият асосларининг предмети. Инсон ва жамият маънавий ҳаёти, унинг мақсади комил инсон, имон, эътиқоди бутун, иродаси баққуват, эркин фуқоро маънавиятини шакллантириш ва жамият маънавий салоҳиятини ривожлантириш эканлиги.

Инсон шахсининг шаклланиши маънавиятнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқлиги, маънавият, шахс, миллат ва жамият омиллари ўзаро боғлиқ эканлиги. Маънавият ривожланишидаги миллий маънавий

меросларга, унинг тараққиёт тажрибаларига таяниш ва миллий маънавий таъсир кўрсатиш, ўзаро бойитиш ва умуминсоний қирраларни ўзлаштириш қонуниятлари.

Маънавият жамиятни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири эканлиги. Унинг шахс фаолиятини ва меҳнат унимдорлигини ошириш, жамиятда тотувлик, яқдилликни таъминлаш ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришда қудратли куч эканлиги. Миллий истиқлол ғоясининг маънавий асослари.

2. Маънавиятнинг таркибий қимслари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва ривожланиш хусусиятлари

Маънавий мерос, маданият, қадриятлар, маърифат ва мафкура маънавиятининг таркибий қисми эканлиги, унинг жамият ҳаётининг тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган ва ривожланган ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда ҳам ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб ижтимоий аҳамият касб этадиган моддий ва маънавий бойлик эканлиги. Аجدодлар маънавий меросининг авлодлар ҳаётида намоён бўлиши ва унинг хусусиятлари. Маънавий мерос илдизларининг мустахкамлиги ва чуқурлиги, миллий тараққиётнинг муҳим омили эканлиги.

Мафкура тушунчаси. Унинг давлат, жамият, миллат, синф ёхуд ижтимоий гуруҳлар манфаатини ифодаловчи ҳимоя қилувчи сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий, диний, бадиий ғоя, назария ва қарашлар тизими эканлиги.

Иқтисодиёт тушунчаси. Унинг муайян ижтимоий тузимдаги ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуи эканлиги. Эҳтиёжлар, манфаатлар инсон ҳаётий фаолиятининг характерланувчи кучи. Иқтисодий эҳтиёжлар ва маънавият.

3. Маънавият тарихий, назарий-илмий ва амалий заминлари

Қадимги халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма ёдгорликларида Марказий Осиё халқларининг маънавий ҳаёти, урф-одатлари ва ахлоқий фазилатларининг ёритилиши.

Марказий Осиёдаги энг қадимий динлар ва уларда маънавият билан боғлиқ бўлган ғоялар. Зардуштийлик. “Авесто”- зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

Монийлик таълимотида маънавият масалаларининг талқини. Қадимги кўлёзма ва оғзаки ижод манбаалари. Маънавият илдизлари ва уларни ўрганишнинг маънавий тикланишда тутган ўрни.

4. Маънавият тараққиётининг мезонлари

Баркамол инсон таърифи. И.А. Каримов томонидан баркамол авлод тушунчасига берилган таърифнинг моҳияти. У аввало онги юксак мустақил фикрлай оладиган, хулқ атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, билимли, маърифатли киши эканлиги.

Маънавий баркамоллик мақоми. Инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатларининг юксак бўлиши. Кишиларнинг чуқур ва замонавий билимга, кенг дунёқарашга, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишнинг шарти эканлиги. Маънавий баркамоллик ва комилликнинг қирралари ва асосий мезонлари: ҳар бир инсоннинг ўз-ўзини англаш; ўзга инсонларни кадрлай билиши; инсон зотини улуғлай билиши.

Маънавий баркамол, комил инсонни тарбиялаш заруриятининг ошиб бориши сабаблари. Унинг миллат, мамлакат ва умуминсоният олдида турган улкан вазифалар билан боғлиқ эканлиги.

Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари. Ягона замин ва ягона тақдир тушунчаларининг маънавий илдизлари.

Ўз миллатининг келажаги йўлида қайғуриш, ҳар бир маънавиятли инсоннинг бурчи эканлиги.

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” Тошкент. “Ўзбекистон” 1992 й.
2. И.А.Каримов. “Ўзбекистон – бозор муносабатларга ўтишнинг ўзига хос йўли” Тошкент. “Ўзбекистон” 1993 й.
3. И.А.Каримов. “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура” Тошкент. “Ўзбекистон” 1996 й.
4. И.А.Каримов. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” Тошкент. “Ўзбекистон” 1996 й.
5. И.А.Каримов. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” Тошкент. “Ўзбекистон” 1997 й.
6. И.А.Каримов. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” Тошкент. “Шарқ” 1998 й.
7. И.А.Каримов. “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” Тошкент. “Ўзбекистон” 1999 й.
8. И.А.Каримов. “Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин” Тошкент “Ўзбекистон” 1998 й.
9. И.А.Каримов. “Хушёрликка даъват” Тошкент. “Ўзбекистон” 1999 й.
10. И.А.Каримов. “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз” Тошкент. “Ўзбекистон” 1999 й.
11. И.А.Каримов. “Миллий истиқлол мафкураси – халқ этиқоди в буюк келажакка ишончдир” Тошкент. “Ўзбекистон” 2000 й.
12. И.А.Каримов. “Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда” Тошкент. “Ўзбекистон” 2000 й.
13. И.А.Каримов. “Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман” Тошкент. “Ўзбекистон” 2000 й.
14. И. А. Каримов. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” Тошкент. “Ўзбекистон” 2000 й.
15. И. А. Каримов. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласига сўз боши. Тошкент. “Ўзбекистон” 2001 й.
16. И. А. Каримов. “Ватанимизни тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ.” Тошкент. “Ўзбекистон” 2004 й.
17. И. А. Каримов. “Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” Тошкент. “Ўзбекистон” 2005 й.

18. И. А. Каримов “Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилиш лозим.” “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил, 10 феврал.
19. И.А.Каримов “Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор.” “Халқ сўзи” газетаси, 2006 йил 25 феврал.
20. Имом Бухорий. “Ҳадислар” Тошкент. “Чўлпон” 1993 й.
21. Фаробий. “Фозил одамлар шаҳри” Тошкент. “Меҳнат” 1993 й.
22. “Темур тузуклари” Тошкент. “Ғофур Ғулом” 1991 й.
23. Авлоний. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Тошкент. “Ғофур Ғулом” 1994 й.
24. Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндашувлар. Тошкент “Академия” 2002 й.
25. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент. “Ўзбекистон” 2001 й.
26. Таълим тўғрисидаги қонун. Тошкент. 1997 й.
27. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Тошкент. 1997 й.
28. Миллий истиқлол ғояси. Тошкент. “Академия” 2005 й.
29. Қуръони Карим. Тошкент, “Мовароуннаҳр” 1998 йил
30. Бертельс Е. Нажмиддин Кубро. Мулоқот журнали, № 3-№, 1995й.
31. Бобохонов Ш. Мусулмонлик асослари. Тошкент, “Чўлпон” 1993 й.
32. Бобоев Х., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Тошкент, “Фан” 1998 й.
33. Буюк сиймолар алломалар. Тошкент, “Янги аср авлоди” 1995 й.
34. Жузжоний А. Тасаввуф таълимотининг илдизлари. Мулоқот журнали, №1-№, 1995й.
35. Жўраев И., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. Тошкент, “Фан” 2001й.
36. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Тошкент, “Меҳнат” 1995й.
37. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. Тошкент “Академия” 1996й.
38. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. Тошкент “Академия” 2000й.
39. Шокиров Ю. Ислом шариати асослари. Тошкент, “Фан” 1992й.
40. Хуснуддинов З. Ислом: оқимлар йўналишлар, мазҳаблар. Тошкент, “Мовароуннаҳр” 2000й.
41. Закурлаев А. Ғоялар кураши. Тошкент, “Мовароуннаҳр” 2000й.
42. Ислом: бағрикенглик, мутаасиблик. Тошкент, “Мовароуннаҳр” 1998й.
43. Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. Тошкент, “Академия.” 2000й.
44. Эргашев И., Шарипов Б., Акбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва жамият. Тошкент, “Академия” 2002й.
45. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. Тошкент “Академия” 2004й.